

Бир чол бор экан. Унинг учта ўгли бор экан. Бир кун чол ўлибди. Чолдан болаларига учта нарса: кели, келисоп, нарвонча қолибди. Катта ўгли, келини, ўртанчаси келисопни, кичиги нарвончани олибди. Кичик ўгил нарвончани кўтариб етти кунлик йўлга тушибди. Бир жойга борса, бир бойнинг уйидан тутун чикиб турган эмиш. Нарвончадаа туйнукка чикиб караса, бир хотин хадеб хар хил овкатларни пишириб, яшириб кўяётган эмиш. Бола хаммасини аник кўриб олибди. Пастга тушиб ўтирибди. Бир канча вақтдан кейин бой келибди. Боланинг бир захчаси бор экан, бола бой келиши билан захчани туртибди. Захча «чағ» дебди. Бой:

— У нима? — дебди. Бола:

— Бу менинг фолбиним, — дебди. Бой:

— Кани, бир фол очириб юбор, — дебди.

Бола захчани бир урган экан захча «чағ» дебди. Бой:

— Нима деяпти? — дебди. Бола:

— Бир товок палов турибди. Шуни олиб чиксинлар, деяпти, — дебди. Бой уйга кириб хотинига:

— Бир товок паловинг бор экан. Шуни бер, — дебди. Хотини берибди. Уни олиб чикиб бола билан иккови ейишибди. Бой «тагин очир», дебди. Бола захчани бир урса захча «чағ» дебди. Бой:

— Нима деяпти? — дебди. Бола:

— Уйда бир товок хасип турибди. Шуни олиб чиксин деяпти, — дебди. Бой уйга кириб хотинига:

— Хотин, товокда хасип бор экан, шуни бер, — дебди. Хотини хайрон бўлиб:

— Ким айтди сизга? — дебди.

— Эй, хотин, кўявер. Бир фолбин бор экан. Ўшанга фол очираётибман, — дебди.

Бой хасипни олиб чикиб бола билан ебди. Бой:

— Тагин очир, ўглим, — дебди. Бола, тагин очирибди. Бой.

— Нима деяпти? — дебди. Бола:

— Уйда бир товок чучвара бор, ўшани олиб чикинлар! деяпти, — дебди. Яна бой кириб хотинига:

— Чучваранг бор экан, ўшани бер, — дебди. Хотини тагин берибди. Уни хам олиб чикиб ейишибдн.

Бой: «Тагин очир, ўглим!» дебди. Бола:

— Эй, ота, кўйинг энди, алжираб кетади, — дебди. Бой:

— Очир, очир, ўглим! —дебди. Бола яна очирибди:

— Уйда бир товок сомса бор, ўшани олиб чик, деяпти, — дебди.

Бой тагин хотини олдига кириб: «Сомсани олиб чик», дебди. Хотини олиб чикибди.

Сомсани хам иккалалари ейишибди. Тагин бой:

— Яна очир, ўглим! —дебди. Бола:

— Йўк, ота, энди очирсам алжираб кетади, — дебдн. Шу ўртада захча «чағ» дебди. Бой:

— Нима деяпти? — деб сўрабди. Бола:

— Бой бувамнинг хотинларининг ўйнаши бор деяпти, — дебди. Бой хайрон бўлиб:

— Шу захчани сотасанми? — деб сўрабди.

— Йўк, ота, сотмайман. Шу билан тирикчилик килиб юраман, — дебди. Бой:

— Хеч бўлмаса уч йилга сот, — дебди. У бола:

— Хо, тунов куни бир бой бир йилга бир товок тилла бераман деди, бермадим, сизга бераманми, — дебди. Бой:

— Агар тўрт товок тилла берсам уч йилга берасанми? — дебди. Бола:

— Тагин бир эшак берасиз-да, — дебди.

Бой яхши бир эшак, тўрт товок тилла берибди. Бола кетибди. Бой уйига кириб, «ўйнашинг бор экан», деб хотинини уриб-уриб чикиб кетибди. Хотин загчанинг калласини узиб ташлабди. Бой кайтиб келиб загчани сўрабди. Хотини:

— Кўшнимизнинг хотини мушук боккан экан, загчани ўша ўлдириб кўйди, — дебди.

Бой «энди эгаси сўраб колса, нима дейман», деб бир кимхоб тўн олиб боланинг кетидан югурибди, Бола, бой оркамдан загчани кайтариб келаётибди, деб ўйлаб эшакнинг думини, кулогини киркиб олибди:

— Бой ака, берган эшагингиз ёмон чикиб колди, — дебди. Бой:

— Майли, фолбининг ўлиб колди, — дебди, — мана шу тўнни олиб рози бўл! — деганда, бола:

— Э, э, яхши бўлмабди, мен бориб кайтиб олмокчи эдим, — дебди.

Бой уйига кетибди. Бола юриб-юриб бир юртга борибди. Болалар: «Бу эшакми, ё бошка нарсами», деб унинг оркасидан кулиб юрган эмиш. Бола:

— Кўйинглар, бу эшак эмас, балогардон, балогардон, — дебди. Бола ва унинг эшаги хакида подшога хабар беришибди.

— Бир зар чопон кийган бола эшакка ўхшаган — думи, кулоги йўк, балогардон деган хайвонни миниб юрибди, — дейишкбди.

Буни эшитиб, подшо навкарларидан бирига:

— Дарров менинг олдимга ўша болани олиб келинглар, — деб буйрук берибди.

Болани подшонинг олдига олиб боришибди. Подшо боладан:

— Бу нима? — деб сўрабди. Бола:

— Эй, буни кўяверинг. Бу канча душманингиз бўлса хаммасини йўк килиб юборади. — дебди.

Подшонинг бир жойда душмани бор экан. Ўшанга уч ўгли билан бир канча аскарларни юборган экан. Душман уч ўгли билан бутун аскарни нобуд қилган экан. Душмандан ўч олмокчи бўлиб юрган экан. Подшо:

— Менга шуни сотасанми? — деб сўрабди. Бола:

— Мен бу балогардон билан кун кўриб юрибман, — деб жавоб берибди. Подшо:

— Агар шу балогардон ростдан менинг ёвларимни йўкота олса, кизимни ва подшолигимнинг ярмини бераман, — дебди. Бола:

— Бу балогардонга хар кун сув бермай, беда берасиз. Ундан кейин душманларингиз келганда кўйиб юборсангиз, хаммасини йўк килиб юборади, — дебди.

Подшо бола нима деса ўшани килибди. Душманлар келиши билан эшакни кўйиб юборибди. Хамма одам: «Хў, балогардон келяпти», деб коча берибди. Бир-бирининг устига йикилиб, отларнинг тагида қолибди. Баъзиси ўлибди, кўплари кочибди.

Эшак чанкаб сув излаб юрган эмишу, душманлар балогардон келяпти, деб кочармиш. Подшо болага кизини ва бир канча дунё берибди. Шундай килиб бола мурод-максадига етибди.